

ЛАНДШАФТЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИГА АНТРОПОГЕН ОМИЛ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Юлдошева Мадина Йигиталиевна – тадқиқотчи
Кузибоева Озода – доктор географических наук,
Республика Узбекистан, Коканд

Аннотация

Мазкур мақолада ландшафтларни ўзгариш динамикасига антропоген омилнинг таъсири кўрсатиб ўтилган. Ландшафтлар ривожланиши ва антропоген омил таъсирида ўзгариб бориши асосан бир нечта олимлар тўмонидан ишлаб чиқилган мезонлар асосида баҳоланган.

Калит сўзлар: ландшафт, биологик хилма-хиллик, таназзул, комплекс.

ДИНАМИКА РАЗВИТИЯ ЛАНДШАФТОВ И ВЛИЯНИЕ АНТРОПОГЕННОГО ФАКТОРА НА НЕЁ (НА ПРИМЕРЕ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Юлдошева Мадина Йигиталиевна – исследователь
Кузибоева Озода – доктор географических наук, Республика Узбекистан,
Коканд

Аннотация

В данной статье рассмотрено влияние антропогенного фактора на динамику изменений ландшафтов. Развитие ландшафтов и их изменения под воздействием антропогенных факторов оценивались на основе критериев, разработанных рядом ученых.

Ключевые слова: ландшафт, биологическое разнообразие, деградация, комплекс.

THE IMPACT OF ANTHROPOGENIC FACTORS ON THE DYNAMICS OF LANDSCAPE DEVELOPMENT (A CASE STUDY OF ANDIJAN REGION)

Yuldosheva Madina Yigitalievna-researcher

Kuziboeva Ozoda – Doctor of Geographical Sciences, Republic of Uzbekistan, Kokand

Abstract

This article discusses the impact of anthropogenic factors on the dynamics of landscape changes. The development and transformation of landscapes under the influence of anthropogenic factors were evaluated based on criteria developed by several scholars.

Keywords: landscape, biological diversity, degradation, complex.

Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни кучакйиб бориши атроф мухитни ва экологик ҳолатни баҳолаш масаласини кун олдидаги долзарб масалалардан бирига айлантириб бормоқда. «1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» 1995 йил 6 майдаги 82-I-сон қарори ижро этиш юзасидан, шунингдек, биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраши суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш соҳасидаги халқаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 484 – сонли қарори қабул қилинди. Бу қарордан кўриниб турибдики ландшафтларнинг биологик-хилма-хиллигини сақлаш, ландшафтлардан фойдаланишда эҳтиёткорона бўлиш, муҳофаза қилинадиган ҳудудларни кенгайтириш, ўсимлик ва ҳайвонларни йўқолиб боришини олдини олиш, ўсимлик ва ҳайвонларни камёб эндемик турларини кўпайтириш каби ишларни ривожлантириш долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда.

Ландшафтлардан оқилона фойдаланишда қишлоқ хўжалиги мақсадларида ландшафтларнинг ўзгариш даражаси, катта кичиклиги ва тараққиёти турлича бўлади. Табиий ландшафтларни ўзлаштириш, антропоген ландшафт комплексларини тадқиқ этишда Ф.Н.Мильков(1986) тавсия этган ландшафтлар таснифида маълум бир турларга ажратгунича улар жой тури ёки урочишеларга ажратишга тўғри келиб қолади.

А.Г.Исаченко (1991) инсон томонидан табиий ландшафтларга таъсир доирасини тадқиқ этишда сифат жиҳатдан йирик ҳудудларда бирликларни акс эттириши керак деб тавсиф беради. А.Г.Исаченко антропоген ландшафтларни таснифлашда қуйидаги тўрт грухга ажратишни тавсия этади:

- Шартли ўзгартирилмаган ибтидоий ландшафтлар. Бундай ландшафтлар инсон таъсирига учрамаган ландшафтларни киргиздириш мумкин. Бундай ландшафт турларини биз Андижон вилоятида учратмаймиз. Чунки Андижон вилояти аҳоли энг зич жойлашган вилоят ҳисобланади. Шу сабабли ҳам табиий ландшафтлар тўлиқ ўзлаштирилиб бўлинган. Адирлар тоғ олди ҳудудлар ҳам аллақочон ўзлаштиришга тортилган.
- Кучсиз ўзгартирилган ландшафтлар. Бундай ландшафт турларига инсон эктенсив (овчилик, балиқчилик) каби фаолият олиб бориётган ҳудудларни киритишимиз мумкин. Бундай ландшафтлар ҳали ўз кўринишини тўлиқ сақлаган, табиий алоқадорлик бузилмаган ландшафт типларини киритишимиз мумкин. Андижонда бундай ландшафт типлари деярли 20-25 йил олдин бўлган. Асосан Фарғона вилояти билан чегарадош ҳудудларни киритишимиз мумкин эди. Бугунги кунда эса тўлиқ ўзлаштирилиб бўлинди.
- Бузилган кучли ўзлаштирилган ландшафтлар. Бундай ландшафтлар инсон томонидан ўзлаштирилган, баъзи ландшафт типлари асл ҳолини йўқотган, инсон фаолияти оқибатида ландшафтлар структураси сезирарли даражада бузилган ландшафтларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Бузилган ландшафтларга вилоят ҳудудидаги адирлар, Марқазий Фарғонага туташ бўлган ҳудудларни ҳам кўрсатиб ўтишимиз мумкин.
- Маданий ландшафтлар структуравий жиҳатдан инсон ўз хохишини рўйобга чиқарган, илмий асослар асосида оқилона ўзгартирилган ландшафтлар жумласидандир. Бундай ландшафтларга вилоятимиздаги Андижон шаҳри, шунингдек Асака, Мархамат каби йирик шаҳарчаларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Д.Л.Арманд (1975) йилда инсон фаолияти таъсирида ўзгарган ландшафтларни 5- турга ажратиб кўрсатади:

1. Бутунлай ўзгартирилган ландшафтлар. Буларга йирик шаҳарлар, саноат ривожланган ва шу билан биргаликда ундуровчи саноат жадал ривожланган худудларни кўрсатиб ўтади.
2. Кучли ўзгартирилган ландшафтлар. Бу ландшафт турларига экин далалари, дарё ва кўлларни киритишни тавсия этган.
3. Анчагина ўзгартирилган ландшафтлар. Инсонлар ўз таъсирини маълум миқдорда кўрсата оладиган ўрмонлар, даштлар, саванналарни киритган.
4. Кучсиз ўзгартирилган ландшафтлар. Бундай ландшафт турларига инсонлар ўз таъсирини кўрсатиши қийин бўлган ўрмонлар, денгиз юзаларини киритишни тавсия этган.
5. Деярли ўзгартирилмаган ландшафтлар. Бундай ландшафтларга кутбий ўлкалар, баланд тоғ чўққилари, сувсиз чўллар, қўриқхоналарни мисол қилишимиз мумкин.

Андижон вилоятида бундай ландшафт турларини ажратиш анчагина мушқил. Чунки вилоят аҳоли зичлиги бўйича республикамизда биринчи ўринда туриши ўз навбатида табиий ландшафтларга антропоген омилнинг юқори бўлиши билан изоҳланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мўминов, Д. Ғ., and М. Хабубуллаева. "СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЛАНДШАФТ-МЕЛИОРАТИВ БАҲОЛАШ (АНДИЖОН ВИЛОЯИ МИСОЛИДА)." *Экономика и социум* 1-2 (104) (2023): 324-329.
2. Абдужалилов, С. "БУВАЙДА ТУМАНИ ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ." *Экономика и социум* 1-2 (104) (2023): 330-335.
3. Азимжонов, Ш. "ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ." *Экономика и социум* 1-2 (104) (2023): 336-341.
4. ҚЎЗИБОЕВА, Озодхон, and Наргиза ХАМИДОВА. "ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН РАЙОНЛАШТИРИШИ." *Бахтинур АБДУЖАББОРОВ*.

5. KUZIBOEVA, OM. "Issues of optimization of geoecological situation in Fergana Valley." *JournalNX* 6.11 (2020): 445-450.

6. Qo'ziboyeva, O. M., and N. T. Sabirova. "FARG 'ONA VODIYSI LANDSHAFTLARINING RIVOJLANISH TENDENSIYASINI O 'RGANILISH TARIXI." *ILMIY AXBOROTNOMA*: 74.

7. Махкамов, Ж. "ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ." *Экономика и социум* 12-2 (127) (2024): 1332-1334.

8. Qo'ziboyeva, O. M., and N. T. Sabirova. "FARG 'ONA VODIYSI LANDSHAFTLARINING RIVOJLANISH TENDENSIYASINI O 'RGANILISH TARIXI." *ILMIY AXBOROTNOMA*: 74.

9.